

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бу китоб Азамат Қоржововнинг +99897 7138577 рақамли телеграм аккаунтидан харид қилинган. Китобни рухсатсиз тарқатиш, чоп этиш, веб-сайтларга жойлаштириш, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларда эълон қилиш, бошқа китоб форматларига ўтказиш ман этилади. Қўшимча контактлар:

www.asarim.uz сайти,

asarim.uz@mail.ru

электрон почтаси,

www.ok.ru ва

www.facebook.com

ижтимоий

тармоқларидаги

Азамат Қоржовов

профили.

Азамат

Қоржововнинг барча электрон китобларини

+99897 7138577

рақамли расмий

телеграм аккаунтидан

қонуний олишингиз

мумкин!

АЛВИДО, БАХТСИЗЛИК

Қисса

Икки китобдан иборат саргузашт

I китоб

Туғилганиданоқ бахтсизлик соя солган қизчани келажакда ҳам омадсиз ҳаёт кутиб турарди. Балоғатга етгач, кунларнинг бирида бу қизга ғаройиб бир иш топилади. Олис ўлкалардан келиб қолган бир кампирнинг уйини супуриб-сидириш учун мардикор қиз керак эди.

Кампир мардикорлар ичидан айнан бахтсиз қизни танлайди ва унга бир сирни айтади...



Бу асарнинг сиз ўқиган ушбу I китоби «Дизайн-Пресс» нашриётида «Қулфсиз калитлар тилсими» номи билан нашр этилган. «Алвидо, бахтсизлик» унинг қайта шиланган, тўлдирилган (давоми ёзилган) шаклидир!

Тошкент
2017

Азамат Қоржовов
«Алвидо, бахтсизлик»

I китоб

Қисса

Телеграм: +99897 7138577



I

Йигирма беш йил муқаддам қайсидир шаҳарнинг биқинидаги катта йўлнинг нариги томонидаги қишлоқда, деразалари панжарали кичик бир уйда яшовчи оилада иккинчи фарзанд дунёга келди. Асар қаҳрамони таваллуд топибди-да, дейишга шошилманг. Хонадонда эндигина мактабга қатнай бошлаган Диловар исмли қиз бахтли ҳаёт кечирарди, шудир асар қаҳрамони. Сингилчаси ногирон эканлигини эшитиб, севинчи маҳзун либос кийди.

Чақалоқ туғуруқхонадан келган куни мактабдан чопиб келиб, кўз ташлади-ю сесканиб тушди.

– Кўрдингми янги меҳмонни? Қанақа экан? – сўради ўқитувчиси эртасига.

Қиз билдики, боши хумдек, кўзлари ғалати чақалоқ ҳақидаги миш-миш бир зумда бутун атрофга ёйилиб бўлган.

– Ҳа... яхши... – деди ҳазин товушда.

Охирги партада ўтирадиган қитмир бола ҳаммага эшиттириб, деди:

– Дадаси гиёҳвандлиги учун сингилчаси хунук туғилган. Сал улғайгач, ногиронлар уйига топшириб юборишади.

Диловар синфдан йиғлаб чиқиб кетди. Бир вақтлар ота-онасидек бахтли жуптлик йўқ эди. Қаёқдан ҳам тамаки етиштирадиган совхозга ишга ўтди. Дастлаб ичиб келадиган одат чиқарди. "Тамакидан заҳарланаяпман, ичмасам бўлмайди", деган баҳоналарини эслайди. Ойиси: "Нега шунча деҳқон ичмай, чекмай соғ-саломат юрибди? Эски ҳунарингизни яна бошлабсиз-да?" деб астойдил ўкинган эди.

Бир гал ойисининг ўз оғзидан эшитган: иккиси турмуш қуришга аҳд қилганида, бобоси "Насл-насабининг тайини йўқ, ароқхўр, ўғри, дарбадарни кўв қилгунимча, сендан воз кечганим юз марта афзал", деган. Шунда ҳам ошиқ-маъшуқлар қарорларидан қайтишмаган. Кичикроқ тўй ўтказиб, турмуш қуришган. Шаҳар яқинидаги қишлоқдан ер сотиб олиб, дориломон кун кечира бошлашган. Бироқ Диловарнинг дадасини ўғирликда айблаб, заводдан қувиб юборишади. Дадаси тамаки етиштириладиган хўжаликка ишга ўтади.

Бир куни уйда қиёмат қойим бўлди. Ўша куни ойиси уйдан наша

топиб олди. Айнан наша эканлигини қаёқдан билгани Диловарга қоронғи, аммо у чиндан наша эди, ажал барги.

– Чекишни ҳам бошладингизми? – ранги оппоқ оқариб, деворга суюниб қолди ойиси. – Бўлди, совхозлик ҳамтовоқларингизнинг олдига қадам босмайсиз!

– Мен гиёҳванд эмасман! – бақирди дадаси. – Битта-иккита чекканлар гиёҳвандга айланаверса, дунёнинг ярим аҳолиси аллақачон қирилиб-битарди. Диловар қишда касал бўлганда, ўз оғзинг билан айтдингми кўкнорининг туйилганидан опкеп беринг, деб! Заҳарнинг ози даво! Соғайиб кетдими, йўқми?! Менга ўқрайиб қарашни бас қилсанг-чи! Бас қил деяпман!..

Ойисининг қоши ёрилиб, юзи қонга беланганда, Диловар қўрққанидан нафаси тикилиб, ҳушидан кетаёзди. Қўни-қўшни аралашди, эртасига қаердандир бўйинбоғ таққан амакилар келишди. Дадаси билан ойиси узоқ вақт гаплашмай юришди, кейин яна ҳаммаси из-изига тушиб кетди – совхоз унутилди. Бироқ... дадаси аллақачон нашаванд-банги бўлиб қолганини Диловар сал ўтиб билди. Ойиси тақдирга тан берган шекилли, жанжаллар сўнди, файзсиз, зерикарли, ночор кунлар кириб келди.

Энди эса ногирон, ақли қосир, пешанасига тавқи лаънат босилган бахтсиз қизча барча қилғилиқларнинг маҳсули сифатида

турмуш саҳнига чиқди. Шўрлик айбсиз айбдорнинг келажагидан кўп қайғурмасалар ҳам бўларкан. Қирқинчи кун (айнан шу кун чилласи чиққан бўлиб, қўни-қўшнига бўғирсоқ, конфет, парварда улашилган эди) ойисининг додлаб йиғлашидан уйғонган Диловар қўшни хонанинг қия очиқ эшигидан мўралади. Дод-вой бир зумда тиниб, ота-онаси чироқ ёруғида мурғак жасад устида жиқиллашмоқда эди.

– Йиғлама, йиғлама деяпман, – деди дадаси. – Яшаб кетганида бир умр азоб чекардинг...

– Сиз қотилсиз! Ҳаммасига айбдорсиз! Ҳаммасига!

– Чекишимни юзимга солма! Ўзим ҳам истамайман! Лекин нима қилай қутулолмасам?

– Бу фақат чекишдан эмас... Билагингиздаги излар ҳам айтиб турибди, сиз... сиз уколга ўтдингиз... Яна чексам, дўзах оловида куйиб ўлай, деб неча марта қасам ичдингиз? Сиздан олов ҳам ҳазар қилади!

– Ҳазар қилса... йўқол! Катта кўча!

– Йўқолмайман! Сизни деб ота-онамдан воз кечдим! Қайтиб борганимдан кўра ўлганим афзал!

Умрида илк бор онаизорини юпатиш учун ёнига чопиб бормади, бошини силаёлмади, кўз ёшини кўз ёшига қўшолмади. Ҳар бир эшитган гапи кўксига заҳарли ўқ бўлиб қадалаверди, қадалаверди. Нега дадаси гиёҳванд? Нима учун ойиси шундай одамни танлаб, ҳатто яқинларидан воз кечган? Оқ

йўргакка ўралиб ётган беғуноҳ чақалоқнинг, Диловар не-не умидларда кутган сингилчасининг ўлимида шу иккови – жондан азиз инсонлари айбдор... айбдор... айбдор...

Диловар ётоғига қайтди. Қўллари ғайритабиий титраб, атрофга қаради ва дераза токчасида турган қулфга кўзи тушди. Юлқиб олди-да, ўзини тўшакка ташлаб, асабий ҳолда қулфни тўқноғич билан очиб-ёпиб ўйнай бошлади. Кейин ҳайрон бўлганча гоҳ қулфга, гоҳ қўлларига боқди-да, қулфни ҳам, тўғоноғични ҳам отиб юборди.

Бир куни дадаси Диловарни ёнига ўтқазиб, ойисига деди:

– Мен ҳали буткул гиёҳванд бўлганим йўқ, хотин. Сен айтгандай диспансерда даволанаман. "Дори"нинг қайтиб яқинига ҳам йўламайман, ишонинглар. Мана, қизимнинг олдида қасам ичаман! Куйиб-кул бўлай агар яна...

– Қасамингиз кимга керак? Ташланг, тамом-вассалом! – дея ойиси ўрнидан туриб, эшикка чиқди. Ўттизга кирмай елкалари чўкиб қолган эди бояқиш аёлнинг.

Шундан сўнг Диловар яккаю ёлғиз овунчоқлари бўлди. Еру кўкка ишонмай қўйдилар. Аммо қиз аллақачон хаёлпарастга айланганди. Уззукун бирор ўйинчоққа, буюмга ёки оддий калитга ҳам термилиб ўтираверарди. Гиёҳвандликдек иллат олдида мазкур қилиқ даставвал на онанинг, на отанинг кўзига кўринди. «Қора дори»нинг осонликча кетмайдиган хуружваш

қора булутлари хонадонга ҳамон соя солар экан, ажал шарпаси ҳам ҳали-ҳануз кезиб юрар, бахтли бўлишга қанчалик тиришмасинлар, зафаргача синовнинг машаққатли довлари борлигини англашарди.

– Қизим, нега дарсингни қилмай калитни ўйнаб ўтираверасан? – сўради бир куни ойиси. – Охирги вақтларда ғалати бўлиб қолдинг. Шунча вақт дадангдан хавотир олиб яшадим, нима, энди сен ҳам қийнамоқчимисан? Бор, сумкангни оч-да, китоб-дафтарингни чиқар. Ҳар куни шу вақтда сени дарс тайёрлаётган ҳолда кўрай, аллақанақа калит-палитлар билан эмас.

Ойиси қўлидагини юлқиб олиб, бир зум тикилиб турди, сўнг:

– Бунинг қулфи аллақачон йўқолган, бошингга урасанми? – деб деразадан итқитиб юборди.

Кўп ўтмай Диловар хушхабар эшитди: ойиси юкли эмиш. Тўққиз ою тўққиз кунда эмас, етти ойдан сўнг, бўрон увиллаган ярим тунда ойиси Диловарнинг хонасига кириб, тўшак четига ўтирди, ўтирдию жон ҳолатда инграб юборди. Бечора қиз уйқу аралаш:

– Ойи-и!.. – деб чўчиб-қалтираб уйғонди. – Сизга нима бўлди, ойи?

– Қўрқма... қўрқма, болам... – қизининг бошини силади она. – Даданг келмади. Чопиб бор-да, Салтанат холангни чақириб кел... Деразасини тақиллат... Эшиги қулфланган, ҳовлисига киролмайсан... Чопа қол, қизим... Айтсанг, ўзи тушунади...

– Қаттиқ оғрияптими, ойи?

– Йўқ, бу оддий ҳол, ўзи шундай бўлади, – тишини тишига босди аёл.
– Ҳаммаям қийналади... Бора қол, қизим... Таёқ оливол... Қоронғидан қўрқма... Ўлибгина кетгур, даданг қай гўрда қолди-я! Яна ичган, яна чеккан!.. Мени шу ҳолда ташлаб... Инсофи борми?.. Қандай одам битган пешонамга!..

Диловарнинг назарида, ойиси йиғлаётгандек туюлди, лекин оғриқдан бужмайган, кўкарган юзини кўраркан, йиғи ҳеч гап эмаслигини, даҳшатли азоб исканжага олганини тушунди. "Укачали бўламан! – ўйлади уйдан чопиб чиқаркан. – Эй Худо, ойижонимни ўз паноҳингда асра!.. асра!.."

Ортидан эшик шарақлаб ёпилди. Гўёки бўроннинг кучли қўллари қизчани уйдан суғуриб, эшикни маҳкам ёпган ва ўз домига тортиб, аллақаяқларга учириб кетаётгандек эди. Чап ёнидаги қўшни улар билан гаплашмас, борди-келди қилмасди, Салтанат опанинг уйи ўттиз қадамча нарида.

Кўчада тирик жон кўринмади, чанг-тўзон аралаш газета парчалари, шох-шабба, алламбалолар учиб келдию, Диловар гандираклаб кетди, аммо довдирайдиган дам эмасди: бўронга қарши қадам ташлади. Сочини тўзғитиб, этагидан тортқилаб, кўз очишга қўймасди. Бир пайт қасир-қусур этиб, кўчадаги кекса тол қулаб тушди. Кимдир Диловарни четга тортмаганида, воқеа ўлим билан якунланиши тайин эди. Шусиз

ҳам янчиб юборишига бир баҳя қолиб, шох-шаббалари аччиқ тарсакилаб ўтди юзини. Диловар жон аччиғида қичқариб юборди.

– Қизим, ҳеч қаеринг лат емадими? – сўради аёл қулоғи тагида.

Диловар ортига ўгирилиб, рўмол ўраган, хиёл букчайган нотаниш хотинни – халоскорини кўрди. Чақмоқ чаққанида, юзидаги сон-саноксиз ажинлар намоён бўлди. Бу ерлик эмас, миллати бошқа, рўмоли ҳам ияги тагидан танғилган – барчаси ғалати эди.

– Ас... салом...

– Адашиб қолдим, – деди у қизчанинг қўлидан тутиб, кафтини силаркан. – Менга катта йўлни кўрсатиб қўёлмайсанми?.. Ўҳ-ҳў, кафтинг иссиққина экан. Бармоқларингнинг нафислигини. Исминг нима? Кимсан? Ярим кечада, расво об-ҳавода нима қилиб юрибсан?

– Қўшнимизни чақариб келишим керак.

Диловар қўлини тортиб олиб, бир қадам ортга тисланди. Қишлоқ катта йўлга яқинлиги боис совхоздан келаётган одамлар гоҳида адашиб, йўл сўрардилар. Ярим кечаси, бўронда, боз устига пою пиёда кекса аёлнинг ёлғиз тентираб юриши ғалати эди.

– Даминг ичинга тушиб қолдимми, моҳир қизим? – деди аёл.
– Қўрқма, жин эмасман.

– Кўча охирига кетаверинг, ўннга бурилсангиз, узоқдан машина чироқлари кўринади.

Шамол Диловарнинг қулоғига она фарёдини учириб келди. Ҳаммасини унутиб, қўшининг уйи сари чопди. Салтанат хола бедор ўтирган экан, тезда кела қолди. Шу кеча уйда ойисининг кўзи ёриди. Ўғил туғилди.

Бир қанча вақт дадасини ёмон кўриб юрди. Нега айнан унинг дадаси нашаванд? Нега ичади, чекади? Хайрият, укачаси соғ-саломат дунёга келди, ногирон туғилган марҳума сингилчасига ўхшамади, тўрт мучаси бутун. Аммо Салтанат хола ва нотаниш аёл жонларига ора кирмаганларида фалокат рўй берарди. Уйда тўлғоқ тутган она, кўчада дарахт босиб қолган қиз...

– Худо сақлабди сени, – деди бир куни ойиси тунги воқеа ҳақида гап очилганда. – Ўша аёл исмини, кимлигини, қаердан келаётганини айтмадимми? Худойи қилиб юбораман. Ишқилиб кўрганинг ростдан аёл киши бўлсин-да, қизим.

– Эркак билан аёлнинг фарқига бормаيمانми? – ҳайрон бўлди Диловар.

– Нима демоқчи эканимни тушунмадинг. Бундан кўп йиллар аввал акам... сенинг раҳматли Адҳам тоғанг тоғда қўй боқарди. Салтанат холангникига борган кунингдагидай бўрон турган, кўз очиб бўлмайди. Қўйлар ҳуркиб, бир нечаси боши оққан томонга ура қочган. Акам жилға бўйида қўйларнинг олдидан қийиб чиқиб, изига қайтарган. Сўнг жилғадан сакраб ўтаётса, рўпарасидан келаётган одам ҳам

сакраган. Оvloқ маконда, ярим кечаси тўсатдан одам чиқиб қолишини кутмаган акам ортига қараса, ҳалиги кимса ҳам ўгирилган. Ҳозиргина акам турган жойда, жилғанинг нариги томонида худди акамга ўхшаб одам кўринган. "Кимсиз?" – деб сўрабди Адҳам акам. "Мен Адҳам чўпонман, – деб жавоб берибди ҳлиги шарпа. – Қўтондан бир гала қўй қочиб чиқди, ахтариб юрибман". Бу гапни эшитиб, акамнинг эти жимирлаб кетибди. Беихтиёр бир қадам ташлаб, яхшилаб тикилса, қиёфадошининг кўзлари бўриникига ўхшаб ёнаётган эмиш, оғзидан эса қон оқаётганмиш. Акам оғир касал бўлиб, уч ой тўшақда ётди. Момоларимиз "Бояқиш тоғ девига дуч келибди, давоси йўқ", дейишди. Акам вафот этди. Умрбод кўз олдидан кетмайди: ўлган ҳолида ҳам жилмайгандек туюлди менга. Раҳматли оғир дамларда ҳам менга жилмайиб қўйишни унутмасди. Шоиртабиат, камтар эди, шеърлар ҳам ёзарди. Ўттизингга кирмай ўласан, деб отамнинг сўкинганлари эсимдан чиқармиди? Акам уйдан кетиб, чўпонликни танлади, ўттизга кирмай ўлди. Мендан эса бобонг ҳеч кими йўқ йигитни, яъни дадангни танлаганим учун воз кечди...

Отин ойи билан Салтанат холани чақириб, ўқитиб юборишди. Улар ҳам қизиқсиниб, нотаниш аёл ҳақида сўрадилар. Диловар эсига келган далилларни сўзлаб берди. Биттагина гап – энг муҳими четда қолди: "Бармоқларингнинг нафислигини..."

Ҳа, нотаниш аёл унинг айнан бармоқларига эътибор берган эди. Кейинчалик тез-тез тушларига кирган сирли аёл бармоқларини силар, "Шу қўллар менда бўлганидаэди..." дерди. Диловар қайтиб у ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Секин-аста тушларини тарк этди, эсидан ҳам чиқа бошлади.

II

Хонадон эшигини яна бахтсизлик қоқди. Яхши ниятларда Сарваржон деб исм қўйилган гўдак бир йилдан сўнг ўзини бежо тутгач, шифокорга олиб боришди. Шифохонада унинг ирсий хаста эканлиги аниқланди. Аввалига ҳайрон қолишди: кимнинг авлодида руҳий касал борки, авлоддан авлодга ўтган?

Гиёҳвандлик, ароқхўрлик оқибатида зурриётда ирсий касаллик пайдо бўлишини тушунтиришди. Буни Диловарнинг дадаси ўзига нисбатан бўҳтон деб билди.

– Сен ўзи соғ бола туғасанми? – ўшқирди уйга қайтгач. Сўнгра телевизор устида турган гулдонни деворга отиб, чил-чил синдирди. – Бўйингда бўлган кезлари ичмаганман ҳам, чекмаганман ҳам. Яна айбни менга ағдармоқчимисан? Сени қарғиш урган! Отанг, онанг, акаларинг – ҳаммаси оқ қилган! Оилага энди ўша палидларнинг касофати ураяпти! Мана, ниятларига етишди! Дўпписини осмонга отсин энди!

– Ким учун оқ қилган? Сиз учун эмасми? – йиғлади ойиси.

– Гап ким учунлигида эмас! Қачонгача ким учун, нима учун, деб бошимни қотирасан? Сарваржон касалми? Ақли заифми? Заиф! Заиф!

– Ундай деманг, дадаси, кўрасиз, соғайиб кетади. Тўқсон тўққиз фоиз умид йўқ, деса ҳам бир фоиз бор-ку!

– Бир марта берилган умр дўзахда ўтадиган бўлди, – деб эшикни тепиб очди-да, кўчага чиқиб кетди.

Шу-шу дадаси ҳар куни ичиб келадиган, ҳатто уйда ҳам ошкора наша чекадиган бўлди. Диловар сигарет ва наша ҳидини фарқлаш даражасига етиб улгурганди. Ростини айтганда, нашанинг алланечук намчил, майин ҳиди унга сигаретникидан кўра анчайин хуш ёқиб қолганди. Ўпкасини тўлдириб нафас оларкан, кўпроқ чеккан, тарашадай қотган дадаси жанжал кўтармаслигига умид қилиб, уйқуга кетарди.

Баъзан дадаси бир неча кунлаб қорасини кўрсатмас, Диловар, ойиси ва укачаси азалдан фақат уч киши бўлгандек тинч, хотиржам яшашарди.

– Бобомнинг ёнига узр сўраб борсангиз-чи? – Диловар кунларнинг бирида ойисига дилидагини айтишга мажбур бўлди. – Балки кечирар?

– Нима фойдаси бор? Бирор нимадан нолияпманми? – ўйчан жавоб берди ойиси.

Сарваржон икки ёшга тўлганда, айрим сўзларни узук-юлуқ талаффуз қила бошлади. Шифокорларнинг ташхисини йўққа чиқаришга бетиним уринаётган Диловар ва ойиси бундан

беҳад шод эдилар. Афсуски, бегуноҳ боланинг ашаддий душмани – ўз падари ҳукм ўқиди:

– Даволайдиган, тарбиялайдиган, боқиб оладиган жойлар бор-ку, ахир! Бекорга ўлиб-тирилганларинг билан барибир соғаймайди! Нима керак ҳар кун и ўзларингни ҳам, мени ҳам қийнаб? Кўрсам, кўнглим бузилади, дунё кўзимга қоронғи кўринади!

Одам сиёғидан чиққан дадасига қарши чора кўриш ташвишида юрган Диловар ортиқ чидаёлмади.

– Дада, чекмайман деб қасам ичгансиз! Қасамингизни юз марталаб буздингиз! Синглим сиз туфайли ўлди! Укам ҳам сизнинг болангизми? У бир оз ақлан заиф экан, албатта, касрингиз урган-да! Бўлмаса, ўз-ўзидан шунақа туғиладими? Ўша кеча ойим қаттиқ кўрқдилар. Салтанат холани чақириб келмаганимда, аҳволи нима кечарди?! Агар озроқ ҳурмат қилганингизда эди, ташлаб кетмасдингиз... ўйлардингиз бизни... Энди... энди укамни қаерга жўнатмоқчисиз? Нима оғирлиги тушаяпти сизга?!

Диловарнинг овози бўғилиб, кўзларидан ёш тирқираб чиқди. Дадаси алам билан тикилгач, деди:

– Яна чексам, дўзах оловида куйиб-кул бўлай дегандим. Шу эмасми дўзах олови?

Дадаси бир оз янглишган эди. Даҳшатли қисмат кутаётган эди нотавон бангини. Мактабда байрам бўлган ажойиб кун эди. Диловар ҳурсанд ҳолда уйига қайтиб, остона

хатлади-ю таққа тўхтади. Худди ўғри урган каби ҳамма нарса сочилиб, ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Ойиси авайлаб-асрайдиган пахта гулли чойнак-пиёлаларнинг чил-чил синиқлари ҳеч қандай ўғри тушмаганини, бир оз аввал бу ерда қиёмат жанжал кўпганини билдирарди. Газ ҳидини энди пайқади. Ошхонага шошиб кирдию коса-товоқлар ҳам синдирилганини, резина ичақдан пишиллаб газ чиқаётганини кўрди. Қулоғидан бураб ўчирди.

– Ойи! Қаердасиз? – ниҳоят бўғзидан кўрқинчли овоз отилиб чиқди.

Ичкари хонага кирганида панжара тутилган деразанинг бир табақаси очиқ, эски диванда дадаси ўликдек қотиб ётар, кулдондаги сигаретадан тутун кўтарилар эди. Диловар сигаретани ташқарига улоқтириб, деразани ланг очди. Бурчақдаги телевизорга кўзи тушиб, бор-будларидан бутунлай айрилганига амин бўлди: арматура билан уриб, телевизор экранини ўйиб ташлашган эди. Кейин қонга кўзи тушди. Дадасининг елкасидан силтаб, чинқирди:

– Ойим қани?! Укам қани, дада!.. Дада!..

Банги ота алланима деб ёўлдиради, холос. Диловар ташқарига чошиб чиқди-да, Салтанат холанинг уйига югурди. Икки йил бурун бўронда қулаб тушган тол ўрнида бугун катта ёўла ётарди. Ёўла устида уч-тўрт бекорчихўжа ўтирган эди.

– Қаёққа, хой? – сұради Салтанат холанингэри.

– Салтанат холам... холам қани? – Диловар тузук-қуруқ гапиролмади хам.

– Балога қолган Салтанат! – деди у атрофидагиларга. – Боя Мамарасул сал қолди сүйиб ташлашига!.. – Сўнгра Диловарга бақирди: – Ҳа, нега анграясан? Салтанат холанг шифохонага кетди, уйда ҳеч ким йўқ. Даданг ҳалиям ётибдими? Ҳозир дўхтирлар милицияга телефон қилишади, келиб олиб кетишади, кишан солиб!

– Қўй, юрагини ёрма, – такасоқол эътироз билдирди, – нима қиласан болани баттар қўрқитиб? Отинг нимайди сенинг?

– Диловар, – қизнинг ўрнига жавоб берди холанинг эри.

– Диловар, шу ерда кутиб тур, бирорта машина ўтса, илтимос қиламиз, шифохонага элтиб қўяди. Дадангнинг қуёнчиғи тутиб, ойингнинг бошини ёриб қўйди, лекин ҳеч нарса қилмайди, дўхтирлар тузатворишади...

– Укангни Салтанат опа қўтариб юрганди, – деди тепакал.

– Ойи... ойим... – ҳўнграб йиғлаб, бекатга қараб чопди. Назарида, ойиси ўлим тўшагида ётар, Диловар қайтиб волидасини ҳеч қачон кўролмайдигандек эди.

Шу пайт рўпарадан шамол эсди. Қизча бир неча ўн қадам югуриб, илкис тўхтаб, ортига ялт этиб қаради. Икки йил бурунги бўрон ёдига тушди. Ўшанда бўронга қарши юриб, Салтанат холаникига боришга тўғри

келди, ногаҳон дарахт қулади, сирли, нотаниш аёл пайдо бўлди. Иккиси гаплашиб турган дамда Диловар онасининг фарёдини эшитиб, Салтанат холани чақирришга шошилди. Бироқ она фарёдини нега бўрон ўз йўналиши бўйича катта йўл томон учуриб кетмади? Ахир уй ортда қолган эди, ўттиз қадамча орқада, аммо фарёдни Диловар аниқ-тиниқ эшитди... Йўқ-йўқ, эслади, ахир она фарёди рўпарадан келаётган бўрондан эшитилган эди-ку! Нега уни онасининг фарёди деб ўйлади? Онаси орқада қолганини, уй ичида тишини тишига босиб ўтирганини биларди-ку! Кимнинг овози эди у? Кўчадаги аёл ким эди? Бир вақтлар Адҳам тоғасининг бошига етган тоғ девими? Аёл қиёфасидаги ёвуз руҳми?

Диловарнинг бошида оғриқ туриб, гандираклаб йиқилди. Қолганини эслаёлмайди. Бир ҳафта туман шифохонасида даволанди. Ойисини шаҳарга олиб кетишган эди, ўн кун деганда кўрди: озиб, чўпдек бўлиб қолган, бош суяги лат еган, қовурғаси синган, Эшитишича, умрининг охиригача ногиронлар аравачасида юриши, тез-тез шифокор кўригидан ўтиши керак эмиш.

Дадасини қамаб қўйишди. Диловар бир ойча қўшнисиникида яшади, Сарваржонни эса ногиронлар уйига жойлаштиришган эди.

Ойиси шифохонадан чиқадиган куни Салтанат холанинг эри қизчага мактаб сумкасини тутқазди.

– Биз сенга на қариндошмиз, на қарздор, – деди у. – Очиғини айтсам, ҳаммага ҳам тинчлик керак, ҳамманинг ҳам ўз шахсий ҳаёти бор. Кета қол. Бизни ҳадеб безовта қилаверманглар. Хўпми?

Ойисининг ўзи парваришга муҳтож эди, кенжатоийни ногиронлар уйида қандай олиб келсин? Диловар иккиси қўл учида, қисиниб, қимтиниб кун кечирарди. Кунларнинг бирида эшик ғийқиллаб очилиб, остонада букчайган эркак пайдо бўлди: бошида қора шапка, эғнида пахтали қора фуфайка, оёғида қўнжи қалин ботинка, елкасида тўрва.

– Яхшимисанлар? – деб сўрашди у тўрвасини бурчакка қўйиб.

Ойиси юзини деворга буриб, кўзларини юмди. Хаёл суриб, эски қулф-калитини ўйнаб ўтирган Диловар овозидан таниди. Бу – дадаси эди.

Шу кундан бошлаб, уч киши бўлиб яшай бошлашди. Дадасини диспансер ва қамоқ азоблари анча ўзгартириб юборганди. Оғир касалликдан туриб, тирикчилик учун ўзига иш излаётган афтодаҳол одамни эслатарди у.

Бир ойча қайсидир дўконда ҳаммоллик қилиб юрди. Уйга қайтганда, албатта, бошқа хонада ётар, баъзан ўз оиласи учун бор-йўқлиги ҳам билинмас, эрта кетиб, кеч қайтарди. Ойисини яна даволатишга тўғри келганида, Диловар тонг-сахар ўрнидан туриб, дадасининг чиқишини кутди.

– Нима гап? – сўради ота сигарета тутатиб.

– Ойим жуда қийналаяпти. Врач айтдики...

– Биладан... Энди у шунақа яшайди... Тез-тез дўхтирга учраши керак. Мен... бир ишимни битирай, пул олиб келаман. Келишдикми, қизим?

– Қачон? – жаҳл ва алам билан сўради қиз.

– Сеҳргар эмасман. Сенларни деб ишлаб юрибман-ку. Ё ичаяпманми, анавидан чекапманми?

Диловар кўзлари пирпираб, ойисининг хонасига қайтди.

– Сарваржонни соғиндим, – онаизор уҳ тортди. – Дадангдан пул олдингми? Берса, укангни бир кунга олиб кел.

Кечқурун уй орқасига машина тўхтаб, пакана бўйли, тикмачоқдан келган киши тушди.

– Мамарасул! – чақирди у кўча эшикни момиқ қўли ила итариб.

Диловар чошиб чиққан эди, нотаниш киши кўзларини чўнтақларига солиб, қизнинг қошига келди. Бир зум бошдан-оёқ кўз югуртириб, деди:

– Даданг қани?

– Ишда. Ҳали келмади.

– Келганимни айтиб қўй, – деб яна бир бор маъноли қараб қўйди.

Ўшанда Диловар эндигина ўн уч ёшга тўлган эди.

Дадаси алламаҳалда қайтди. Димоққа ароқнинг қўланса ҳиди урилди. Сумкасидан бойлам-бойлам пул чиқариб, хонтахтага бир қатор

тахлади. Еб кўйгудек тикилаётган хотини ва қизига бир-бир кўз ташлаб, деди:

– Нега менга бундай қараяпсанлар? Мана, пул топдим. Телевизор, чойнак-пиёла... ҳамма нарса оламиз... Доим дўхтирлар қаровида бўласан, Марғуба...

Диловар илк бор дадасининг оғзидан ойисининг исмини эшитди. Бундан севинмади. Дадаси борган сайин бегонага айланиб борар, гўё қамоқдан ота қиёфасидаги бошқа одам келган эди.

– Мени ҳеч ким сўрамадимми бугун?

– Бир одам келди, машинада, – жавоб берди Диловар.

Дадаси ўрнидан тураётганди, ойиси тилга кирди:

– Ким эди у?

– Бойхонадан, – истамайгина сўзлади дадаси. – Бир иш бор деганди... лой иш. Биласан, Бойхонада қурилиш кўп, пулдорлар икки қаватли, уч қаватли уйлар қуришяпти... Улар яхши тўлашади.

– Нега ичдингиз? Шунча кўргиликлар камми? – Иккинчи-учинчи саволларда хавотир ва бахтсизлик уфурар эди.

– Пул топдим. Нимадир қилишим керак эди, Марғуба. Лекин ичишни давом эттириш ниятим йўқ.

Эртасига оила бошлиғи соқол-мўйловини қиртишлади, узоққа чўзилган ноинсонийлик танаффусидан сўнг хотинини шифохонага олиб борди. Бироқ Диловар мактабдан келганида дадаси қаттиқ маст эди.

– Қизим, яна ичганимга хафа бўлма, – деди тиз чўкиб ўтираркан. – Тўйиб кетдим... Қачон қарама, хато устига хато қиламан... Ойингни даволатсам, ҳаммаси жойига тушиб кетади... Укангни ҳам олиб келамиз... Менга ишон, ишон, қизим...

Диловар дадасининг қўлидан сирғалиб чиқиб, ошхонага кирди. Стол устида бўшаб қолган ароқ бутилкаси, нон ушоқлари ва ярми ейилган колбаса кўринди. Ўтган йилдан бери омонат турган резина ичакдан газ сизиб чиқарди. Маҳкамлаган бўлди-да, дадасининг олдига чиқди.

– Ойим келгунча телевизор олайлиқ, газ плитани таъмирлатайлиқ, уйни оҳаклайлиқ, дада!

– Қиламиз, ҳаммасини қиламиз...

– Дадаси чўнтақларини пайпаслади.

– Ие, сигаретам тугабди. Ма, пул. Мен чиқсам, "яна ичибди", деб одамлар гапирари. Сен чопиб бор-да, дўкондан сигарета олиб кел... Йўқ, чопиб борма... – У девордаги соатга қаради. – Бемалол бор... Устимдан қулфлаб кет. Мана, калит. Ҳозир мени бир одам сўраб келади. Кўчада учраса, "уйда йўқ", дейсан. Эшик қулфланганини кўрса, қайтиб кетади... Бора қол... бор... бор...

Диловар дадаси айтганидек эшикни ташқарисидан қулфлади. Аксига олиб, муюлишдаги дўконда сигарета тугаб қолган экан, қишлоқ четидагига жўнади. Дадасининг феълени билади: қуруқ борса, тутаклиб, ўзини билмай қолади.

Дўкон ёпиқ экан.

– Қачон очиларкан, амаки? – сўради дўкон олдида ўтирган кимсадан.

– Ярим соат кутасан, – хириллоқ товушда жавоб берди кимса.

Диловар ярим соат кутишга бажонидил тайёр эди. Негаки дадаси айтган кишига йўлда дуч келишни истамасди. Гарчи дўкон олдида ўтирган кимса билан ҳам гаплашиш кўнглига сиғмаса-да, яна сўради:

– Бирон жойга кетганмикан?

– Ана, эшикда катта қулф осилган, отнинг калласидек. Шундан билаверки, магазинчи қаергадир даф бўлган. Қуёш эса ҳали ботганича йўқ, демак, у келади. Сен...

Кимса ўсиқ соч-соқолини силаб, Диловарга оч итдек тикилди.

– Ие, Мамарасул бангининг қизимасмисан?

– Дадам банги эмас, оғзингизга қараб гапиринг!

– Шўрлик қиз... Нега банги бўлмасин? Қани ўзи у? Тирикми ишқилиб?

Тўсатдан Диловар «дадам айтган одам шу бўлса керак», деб ўйлади ва:

– Уйимизга яқинлашсангиз, милиция чақираман, – деди нари кетаркан. – Сизга ўхшаганларни ўтган куни ҳам ахтариб келишганди. Кўрадиганингизни кўрасиз.

– Ие, қизиқ қизча экансан-ку! Дадангни ҳам ушлаб бермоқчимисан? – илжайди кимса.

– Дадам аллақачон наша чекишни ташлаган! Айб иш қилган жойи йўқ, нега ушлашаркан?!

– Бекор гап, – инқиллаб ўрнидан турди бегона. – Мендан кўрқма, бери кел. Асли шу қишлоқнинг одамиман. Совхоз марказига кўчиб кетиб, зўр яшаётгандим. Даданга ўхшаб бор-будимни чекиб, тамом қилдим. Ўзимнинг қишлоғимнинг одамлари бир нима берар деган умидда ўтирибман. Нега кўрқасан мендан? Ахир, бир қарашда қандай таниганимнинг сабабини сўрамайсанми? Нима, аввал кўрибмидим сени?

Диловар сал нарида тўхтаб, дўкондорни кутишга қарор қилди.

– Алдаб нима фойда топаман? – келаверди ҳалиги кимса.

– Менга гапирманг, – деди Диловар. – Яна бир нима десангиз, ҳув анави келаётганларга айтаман. Қишлоғимизнинг одамлари аяб ўтиришмайди.

– Сенга яхшилик қилмоқчиман, ахир! Қулоқ сол! Даданг бир одамдан катта пул қарз олган. Сен эса дадангни – эс-ҳушини еган бангини авлиё ҳисоблайсан. Гаровга кимни тиккан, биласанми? Тўғри, у отанг, падари бузрукворинг. Хуллас, ишонмаяпсанми? Бор сўра. Қарз берган одамнинг қўлида сенинг суратингни кўрганман...

Диловар ортиқ тоқат қилолмади. Уйига шошилди. Ярим йўлда билди кўзларидан шашқатор ёш оқаётганини. Кўнгли тўлиб, дунё кўзига тор кўринган қизга дарбадар нашаванднинг ҳақорати буткул ортиқча эди. Агар падари рисоладагидек одам бўлганида эди...

"Тўхта! – деди ўзига ўзи. – Буларнинг ҳаммаси рост бўлиб чиқса, нима қиламан? Ҳақиқатан, дадам пулни гаров эвазига олганмикан-а? Нега бизга бир оғиз айтмади? Ҳозироқ бориб сўрайман... Йўқ, сигарет тополмадим, бунинг устига дадам дўкон олдидаги тентак билан жанжаллашганга ўхшайди, дарров гапини етказиб, баттар жаҳлини чиқармай..."

Шу дамда бир неча йигит «Ёнғин! Ёнғин!» деб чопиб ўтишди. Қоп-қора тутунга кўзи тушди: буруқсиб-буруқсиб кўкка кўтарилди, қуюқлашди, қалинлашди. Диловарнинг олдида қишлоқ аҳли дадасини "банги" деб чақирмасди, аммо бир йигит уни пайқамадими, шошиб қолдими:

– Мамарасул бангининг уйи ёнапти! Чопинглар! – деди томоғи йиртилиб.

Диловар мудҳиш хабар ёлғон бўлишидан умидвор ҳолда югураркан, тутун ўз уйидан кўтарилаётганини кўрди.

– Дадам!.. Дадам ичкарида эди-ку!.. – деб чинқирган кўйи ҳовлига отилиб кирди, қоқиниб йиқилди, гангиб турди ўрнидан. Ҳовлига кирганида, калит қўлида йўқ эди: сигаретга аталган пулни ғижимлаб олган, холос. Олов тиллари тандир оғзидан ўралган каби олд деразадан ваҳшат-ла пештоққа талпинарди. Эшикда эса қулф осилган. Дадаси ичкаридан гурсиллатиб тепмоқда, бақирмоқда, қани эшик синса.

Ёрдамга келганлардан бири қулфни темир бўлаги билан бузишга

уринаркан, Диловарни кўргач, бўйин томирлари бўртиб, кўзлари косасидан чиқиб, бўкирди:

– Даданг ёниб кетади ҳозир! Калит сенда экан-ку! Бер, овсар-р!..

– Очинглар! – ёввойи овозда ёлворган овози эшитилди дадасининг.

Диловар ўзини эшикка урди, шафқатсиз қулфни чангаллаб тортди. Сўнгра мўъжиза юз беришига ишониб, бошидан тўғнағичини юлиб олди-да, қулф тешигига тикди. Қўллари қалтирарди, қаёқдан хаёлига келди, билмайди, шу тўғнағич билан очмоқчи эди.

– Очаяпсанми, Диловар? Очаяпсанми?.. Оч... Оча қол, қизим... – эшикни тимдалади дадаси.

Диловарнинг ияк-жағлари ҳам қалтирарди. Қирс этиб синди тўғнағич. Қиз бир сония ҳайкал каби қотди.

– Калитми бу, тентак?! Четроқ тур! – деди бўйдор йигитлардан бири ва ортга тисарилиб, кучи борича тепди эшикни. Эшик қарсиллаб ёрилиш бараварида ичкарида алланималар қасир-қусур қулади.

– Эҳтиёт бўлинг, Мамарасул ака! – деди йигит.

Жавобан ичкаридан бўғиқ йўтал эшитилди. Иккинчи зарбдан кейин эшикнинг бир табақаси синиб тушди. Олов ҳам ўз ишини қилди: йигитга ҳам, Диловарга ҳам куйдиргувчи тафти билан лоп этиб чанг солди. Олов ичида қолган одамнинг аччиқ фарёди атрофдагиларнинг этини увуштириб юборди.

– Дадажон! – талвасага тушиб фарёд урди Диловар.

– Орқа хонага ўтди! – деди бўйдор йигит ҳовлиқиб. – Мамарасул ака ёнапти!.. Орқадаги панжарани синдиринглар!.. Синдиринглар панжарани!..

Одамлар гув этиб уй ортига чопишди, Диловар ҳам чинқириб эргашди. Дадасининг жон талвасасида телбаларча дод солаётгани қулоғига баралла эшитилиб турарди. Эркаклардан бири четроққа тортмоқчи эди, қиз ёввойи мушукдек қўлидан типирчилаб қочиб чиқди. Олов шу қадар авжига мингандики, яна бир неча дақиқада уйдан қора деворларгина қолиши тайин эди.

Одамлар деразани чил-чил қилишди, ҳатто ромларини ҳам бўлаклаб ташлашди. Панжара эса маҳкам ўрнатилган эди, бузиб бўлмади. Диловар чангаллаб, бор овозича қичқирар, силтар, бошини темир устунчаларга урар, аммо қўлидан ҳеч иш келмасди. Кўз олдида дадаси ҳалок бўлаётган эди. Одамнинг ёнишини кўришга чидолмаган йигитлар кўча ўртасига қочиб чиқиб, аянчли манзарага тикилдилар. Дадаси панжарадан қўлларини чиқариб, Диловарни маҳкам тутди. Билаклари ўйилиб, суюклари синиб кетгудек оғриси-да, қиз қочишга уринмади. Аксинча, у дадаси билан бирга ёнишга аҳд қилганга ўхшарди.

– Диловарни тортинглар! Нимага анграясанлар? – рўмоли бошидан

учган Салтанат хола ҳаллослаб етиб келди.

Шу пайт том ўпирилиб тушиб, оғир ёғочлар дадасини кўмиб юборди, олов ва сон-саноқсиз чўғлар қизга ҳамла қилди...

Кўзини очганида қишлоқ врачлик пунктдан келган шифокор қўлларига малҳам сурмоқда эди. Диловар тумонат одамни, ўт ўчирувчилар машинасини кўриб, изиллаб йиғлади.

– Дадам... дадажоним... – деб фақат бир сўзни такрорларди.

Салтанат хола куйган сочларидан силади, пешонасидан ўпди, бағрига авайлаб босди. Инсон ўз қисматига сабабчи бўлғусидир, дейишади. Шунчалар катта бахтсизликка имзо чекармикан бандаси?

– Ичган қасами қурсин, – деб ух тортди Салтанат хола. – Ойинг айтганди-я, қасам уришидан кўрқаман, ишқилиб болаларимга зиёни тегмасин, деб. Йиғлама, қизим, ойингнинг, укангнинг бахтига сен омон қолдинг-ку! Шунисига ҳам шукр қил, шукр қил, болам!

Дадасининг овози эшитилгандек туюлди: "Яна чексам, дўзах оловида куйиб-кул бўлай..."

Борлиқни ёнаётган вужуд манзараси, оҳ-нола тутди, кўзларини чирт юмди. "Калит... калитни қаерга йўқотдим? – ингради қиз. – Нега кулфлаб кетдим? Шундоқ ҳалқасига илсам бўлмасмиди? Мен ўлдирдим дадамни, мен! Очолмадим, очолмадим эшикни..."

Гарчи Салтанат холанинг эри ёқтирмаса-да, Диловар кечаси

қўшнисиникида тунашга мажбур эди. Уй буткул куйиб кетган, жамики жиҳозлару хўжалик буюмлари кўмирга айланганди.

– Альбомим сандикчада эди, у ҳам ёниб кетибдимми? – сўради қиз жаноза тугаган кун қўшнилардан.

– Битта-иккита расм бор, лекин ярми куйган. Мана, ўзинг кўр.

Диловар мактабда тушган суратни топди. "Дадам бу суратни ҳеч кимга бермаган, – деди ичида, хийла бўлса-да енгил тортиб. – Ҳаммаси тухмат, гиёҳванднинг тухмати..."

III

Жанозанинг эртасига ойисини яна шифохонага олиб кетишди. Қишлоқ аҳли она-болага вайрона уйнинг битта хонасини таъмирлаб беришга келишдилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас экан. Диловар мактабга кетаётиб, йўлда калит кўриб қолди, боғичи ҳам бор эди. Бир куни синфдош йигитлар Диловарнинг сумкасидан ойисининг нафақасини ўғирлаб, қалтис ҳазил уюштиришганди. Йиғлаб ўтирганида, сумкасига яна пулни жойлаб қўйишган, бир пайт ўқитувчи келиб, текширув бошлаган, шунда пул ўз жойидан топилган ва бировларга ҳам, ўзига ҳам нисбатан аччиқ алам туйган эди. Ҳозир худди ўша туйғунинг тиғлари дилини тилиб ўтди. Буниси атрофдагиларнинг ҳазилига ўхшамас, шафқатсизроқ, қонхўрроқ, ваҳшийроқ бахтсизлик эди.

Энгашиб калитни олди. Ҳа, ёнғин куни йўқотиб қўйилган калит эди.

– Минг лаънат сенга, – деди Диловар. – Минг лаънат сенга!.. – Кейин бор овозича чинқирди: – Минг лаънат сенга, жирканч калит! Нега йўқолиб қолдинг? Нега энди топилдинг?!

Калитдан садо чиқмади. Оёқлари остига ташлаб тепкилади, сўнг тош олиб пачоқлай бошлади.

– Дадамни ўлдирдинг!.. Бошига етдинг!.. Ичса ҳам, чекса ҳам дадам бор эди, сен нимасан ўзи?!

Йиғлаб-қичқириб, кучи борича тош билан ерни ураётган қизни ўрнидан турғазишди. "Шўрпешана қизнинг ҳам боши айланиб, ҳалигидақа бўлиб қолибди-да", дейишди одамлар.

То онаси шифохонадан қайтгунча мактабга қадам босмади.

– Қизим, дардим қанчалик эканини биласан, сенинг мактабга бормай қўйганинг худди ҳаммасидан ошиб тушаётгандек, – деди онаизор. – Синглинг ўлди, даданг ўлди, укангнинг аҳволи ўзингга маълум, ақли заифлар мактабини тамомлаб, руҳий касаллар шифохонасида умри ўтмасайди ишқилиб, деб қўрқаман. Мен эса ярим жон бўлиб қолдим. Шунчаси камдай, нима учун ўқишингни ташладинг? Тур, мени хурсанд қилай десанг, мактабингга бор. Ўқиб-ўқиб, бир кун одам бўласан.

Диловар яна мактабга қатнай бошлади. Унинг учун болалик тугаган, ўйин-кулги, хушвақтлик уй билан қўшилиб ёниб кетганди.

Аслида аввал-бошдан оилавий жанжаллар одамови қиёфасига солган эмасми, мудҳиш фожиа баттар эгиб қўйди. Ҳардамхаёл қизни ўқитувчилар ҳам койимас эди.

– Диловар, сени бобонг чақираяпти, – деди шундай кунларнинг бирида синф раҳбари.

Қиз орқа партада ўтирганларга талмовсираб кўз югуртирди. Синфда Диловар исмли ўқувчи фақат ўзи эди. У "бобонг" деган сўзни умрида эшитмаган эди.

– Менга айтаяпсизми? – сўради синф раҳбаридан.

– Ҳа, сенга. Тура қол, кекса одамни куттириш яхшимас.

Шундагина Диловар умри бино бўлиб, ҳеч қачон кўрмаган, аммо бир неча бор эшитган қаҳҳор киши, яъники, онасининг отаси келганини тушунди. Ҳозиргина айтилган гапни қулоғи барибир қабул қилолмаётганди: "Диловар, бобонг чақираяпти... Диловар, бобонг чақираяпти... бобонг чақираяпти..."

Йўлакка чиқиши билан дўппи кийган баланд бўйли, оқ сочли чолни кўрди. Эгнидаги эски, озода костюмининг чангини қоқиб қўйди-да, қошини чимирди.

– Шуми? – синф раҳбаридан сўради у.

Раҳбар бош силкиди.

– Ойинг салом беришни ўргатмаганми? – деди чол яқинлашиб. – Ойинг ўргатмаса, мактабинг, синф раҳбаринг бордир?

– Диловар, салом берсанг-чи, ахир, – деди ўқитувчи.

– Ассалому алайкум... – қиз ерга қаради. Хўрлиги келиб, йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлади. Кўзларидан милт-милт ёш оқди, чол эса янада ҳурпайди.

– Йиғлама, кўз ёшларга тоқатим йўқ, – деди ва ўқитувчига ола қаради. – Сиз кетаверинг, бизнинг ўзаро гапимиз бор... Отинг Диловар экан-да? Хўш, ойинг қалай?

Улар йўлак бошига, зинага қараб юришди.

– Ётибди, – деди қиз. – Уйимиз ёниб кетган. Маҳалла одамлари уй қуриб беришмоқчи.

– Битта хона, – чолнинг нигоҳида совуқ шуъла йилтиллади. – Ҳаммасини эшитдим, биттагина хонани нари-бери таъмирлашмоқчи. Тутуруқсиз, пиёниста, гиёҳванд барибир бошларингга етди-да, а? Кўрдингми, ҳеч нарса изсиз кетмайди, ҳар бирининг ҳисоби бор. Э-э, сен бизнинг жанжални кўрмагансан-ку, каллам қурсин! Даданг мени кўп куйдирган. Унга ўхшаган касофатни куёв қилганимдан кўра қизимдан бир умрга айрилганим яхши эди. Мен ҳақимда ойингдан эшитган кўринадан. Умр бўйи халқ хизматида бўлганман, мисқоллаб обрў йиққанман. Одамлар "болам ажрашмоқчи", "фалончига уйланмоқчи", "писмадон иш қилмоқчи" деб мендан маслаҳат сўрашарди. Ойинг нима қилди, биласанми? Буни душманимга ҳам раво кўрмайман!

– Ойимни кечиринг, – бош эгди Диловар, кўз ёшлари кирлаган полга томиб, нам доғлар кўзга ташланди.

– Буни ўзи айтдимми?

– Келишингизни билмаса, қаёқдан айтади? Биз қийналаяпмиз... Укамни топширвордик, махсус жойга...

– Йиғлама, – бобо унинг елкасига қўл ташлади. – Юр, мактабингнинг буфетини кўрсат. Ширин чой, булочка, қанд-қурс олиб бераман. Бунча озғинсан-а? Ҳечам еттинчи синфга ўхшамайсан. Сепкиллари худди ойингникидек. Ойингга бувингдан, бувингга, ким билади, қайси катта холасидан ўтган. Бу ёғи энди инсоният тарихи, барибир охирига етолмаймиз.

Улар буфетга кириб, четдаги столни эгаллаганларида Диловарнинг кўнглида умид чироғи милтираб турар, ҳатто бобоси олиб кетишидан, ғурбатли кунлар ниҳоя топишидан умидвор эди. Бобо худбинликка ўхшаш қандайдир зарда билан ўзига ҳам сутли қаҳва ва булочка буюртирди.

– Мен ҳали кечирганим йўқ, – деди сўнги луқмани ютиб, оғзини артаркан. – Кечиришим учун вақтни орқага қайтариб, ўша хатосини такрорламаслиги, иззат-обрўйимни тиклаб бериши керак. Шу нарсалар ойингнинг қўлидан келадими? Уни оқ қилганман. Оқ қилиш нималигини билсанг керак? Дунёда бундан ёмон иш йўқ, қизим... н... неварам...

Диловар индамай булочка чайнади. Бобоси аҳдидан қайтмаслигига ақли етди ва бир зум

қандай йўл тутмоқ ҳақида бош қотирди. Туйқус нимадир тошиб келиб, бўғзига тиқилди. Ялинмайди! Агар шу одам бобоси бўлса, икки дунёда ҳам ялинмайди.

– Бувинг ўлди, – дея чол стакандаги охириги томчиларни жиғилдонига қўйди. – Саратон... ўпка саратони... Сен хафа бўлма, Диловар, Янги йилга яқин ойинг икковингни олиб кетаман. Ёлғиз яшаб, кўп нарсани тушундим... Ойингга ҳам қийин... Тўхта, нега жанозага бормадинглар? Чақирманглар, демагандим-ку. Бирорта ҳам айтувчи келмадимми? Тавба, оқ қилган мен. Менга қўшилганнинг бари аҳмоқ.

– Ойим... ойиси ўлганини билмайди, бобо, – Диловар зўрға "бобо" деди.

– Билмагани яхши, айтмай қўя қол. Билса ҳам жазо, билмаса ҳам... Даданг қийналиб ўлибди, деб эшитдим, ростми?

– Йўқ, – деди Диловар. Стаканни шунчалик маҳкам қисдики, синиб кетаёзди.

Бобо унинг вазоҳатини кўриб, бош чайқаб, танглаини тақиллатди. "Нақ отасининг ўзгинаси, – деган хаёл ўтди кўнглидан. – Фарзанди-да, қаёққа ҳам борарди. Бутун умримни қора қилганларнинг боласи..."

Буфетдан чиқиб, хайрлашдилар. Бобо неварасига пул берди.

– Ойингни бориб кўрмайман, – деди у. – Ҳозир асабларим бузилиб турибди. Ишим ҳал бўлмади, энди бошқасиникига жўнайман. Бу атрофга совчиликка келгандим. Бувинг ўлганидан кейин уйга бир

камбир керак бўлаяпти, кир-
пиримни ювиб, овқатимни қилади.
Агар ойинг икковингни кўчиртириб
кетишга тўғри келса, ерни сотишни
менга қўйиб беради, айтиб қўй.
Муҳими, даданг ўлмаганида,
кечириш ҳақида ўйлаб ҳам
кўрмасдим. Бу деганим – кўп
қайғураверма.

У ўлимни шунчаки тилга олар,
ўлим қайсидир масалаларни ҳал
этувчи воситаи сабаб, жазо, баҳона
эди. Диловар бобоси билан
учрашганини ойисига сўзлаб берди,
бувиси вафот этганини айтишга бир
неча бор оғиз жуфтласа ҳам ҳадди
сиғмади. Учинчи куни қатъий аҳд
қилди, аммо бунга ҳожат қолмади.
Машинадан тушган икки йигит
ҳашарчиларнинг олдига бориб, уй
эгаларини сўрашди.

– Мамарасул ака раҳматли бўп
кетди, – деди уста. – Хотини
шифохонада, қизи анави
қўшнисиникида. Тинчликми, укалар?

– Марғуба опанинг отаси
оламдан ўтди.

Ота-онаси вафот этганидан
Диловарнинг ойиси шу тариқа хабар
топди. Маҳалла аҳлининг яна бир
ёрдами билан ойисини машинада
ота уйига олиб боришди. Кечқурун
қайтиб келганида, Диловар
ойисининг кўзлари қизарганини,
пешанасида ғурра борлигини кўрди.
Кейин билдики, ойисининг опаси:
"Ота-онамни сен ўлдирдинг,
шўртумшўқ!" деб қарғаб, қўлига
илинган нарсани отаверибди.

Бу уларнинг қариндошлар билан
сўнги мулоқоти эди.

IV

Она-бола дунёи дуннинг ғам-
ташвишига ғарқ бўлиб ўтиришган
куни ҳовлига бир одам кириб келди.
Сочилиб ётган ёғоч синиқларию
тунукалар оралаб ўтиб, овоз берди:

– Ҳой, ким бор?

Диловар яна кимдир ёрдам
қўлини чўзиш ниятида келибди,
деган хаёлда чопиб чиқди. Чиқди-ю
юришни ҳам, гапиришни ҳам
билолмай бир нафас қотди.

– Ойинг уйдами? – сўради эркак
машина калитини ўйнаб.

У башанг кийинган, паст бўйли,
миқти кимса эди. Бир гал келганида,
бошдан-оёқ маъноли кўз
югуртирганида, енгил сесканиб
тушганди.

Қиздан садо чиқмагач, кимса
уйга дадил юрди, остона ҳатлаб,
салом берди. Диловар эшик
кесақисига суяниб қолди. Бегона
киши кираверишда турган бўш
челакка қоқиниб, тўнғиллади.

– Узр, – деб челакни бир четга
олиб қўйди чақирилмаган меҳмон. –
Мен, очиги, сал аввалроқ келишим
керак эди, Россиядан вагон кутиб,
вокзалда ушланиб қолдим. Бир
ушлансам, ойлаб юраман вокзалу
темирўл идораларида. Ишим оғир,
жуда ҳам оғир. Каллам курсин, хаёл
билан индамай бостириб
кираверганимни қаранг, ўзимни
таништирмабман-ку. Исми Даврон,
шаҳардаги ғала-ғовурлардан чарчаб,
Бойхонадан ер олгандим. Машинам
бор, ишга ғиз этиб қатнайвераман,
дегандим ўзича. Шаҳарнинг
биқинида бўлсак...

У гапи қовушмаётганини сезиб, тўхтади.

– Келинг, ўтиринг, – деди ойиси тирсақларига таяниб, қаддини хиёл кўтараркан. – Қоронғи тушиб қолибди. Диловар, чироқни ёқ.

– Қисқаси, бу йил уйимни кўнглимдагидек битказолмадим. Ҳали айтганимдай иш кўп. Шунга ҳовлимда яшаб турсанглар, дегандим. Раҳматли Мамарасул уйимда кўп ишлаган. Устанинг уйи бу аҳволда... Меникига кўчиб борганларингиз маъқул, шароит яхши. Эртага машина юбораман... Хўп, яхши қолинглар... Айтгандай, укам мактаб директори. Бир оғиз айтсам, қизингизни қабул қилади.

У чиқиб кетгач, ойиси Диловарни чақирди.

– Бу одамни танийсанми? Ким?

– Кимлигини айтди-ку, ойи, – деб қиз қўнишди.

Ойиси каравотни ғижирлатди.

– Дадангнинг ошналаридан эмасмикан? – деди. – Агар ҳамтовоғи бўлса, уйда яшагандан кўра, шу харобада ўлиб кетганим афзал. Ичган, чеккан одамнинг турқини умрбод кўрмасам дейман.

– Сизга ёқмадим, ойи? Менга ҳам... У киши бир куни дадамни сўраб келганди.

Диловар бошқа ҳеч нарса деёлмади. Менга маъноли қараб қўйган, десинми? Кап-катта эркак мактаб ўқувчисига-я? Ойисининг юраги тўхтади-ку.

Кечликка уннади. Бугунги масаллиқлардан нон аралаштириб, картошка қовурма қилиш мумкин

эди. Шу дамда ташқарида кимдир йўталди. Салтанат хола бир товоқнинг устига иккинчисини тўнтариб, гўштли кулчатоё кўтариб келган экан, хонани дарҳол овқат иси тутди.

– Боя келган одам Давронбой эмасмиди? – сўради у гап орасида.

– Билмадим, Давронман, деди... – Ойиси таклиф ҳақида сўзлаб берди.

– Мен ҳам яхши танимайман, – деди Салтанат хола, – ичувчи, чекувчи эмас. Катта қизи биринчи синфга борганда, машина уриб юбориб, ўлган, дейишади. Миш-мишларга қараганда, душманлари суиқасд уюштиришган эмиш. Зўр яшайди. Омбор мудир, экспедитор, қаергадир директор ҳам бўлган, топармон-тутармон. Қишда янги ҳовлисини бериб турса, кўчиб ўта қолинглар, Бойхона яқин-ку.

Диловар овқат еб, холанинг идишларини зудлик билан ювиб берди. Она-бола ёлғиз қолишгач, анча вақт жим ўтиришди. Оғир хаёллар мавсуми бир умр давом этадигандек эди. Кўчада хандон отиб кулишиб келаётган йигитлар дераза тагида жимиб қолдилар, оёқ товушлари, ғўнғир-ғўнғирларигина қулоққа чалинди.

– Худди қабристон олдидан ўтишаётгандек, – хўрсинди ойиси. – Биздан, уйимиздан сесканишади. Улар учун бехосият одамлармиз, бехосият уйда яшаймиз. Уҳ-ҳ, Сарваржонни бир кўрсам эди, гўдаккинамни... Балки майиб бўлиб, тўшакка ётиб қолмаганимда, тузатиб олармидим?.. У руҳий касал эмас,

дўхтирлар бекор айтибди. Рухий касаллар бошқа...

– Рухий касал дейишгани йўқ-ку, ойи.

– Ақли заифмиш. Дадаси наша чеккан бўлса, болагинамда нима айб? – Овози қалтираб кетди ойисининг. – Эй Худойим-ей, шуми дунёнинг адолати? Моховлардай элдан ажраб қолдик, ҳамманинг раҳми келади. Қиз боласан. Тақдирингни ўйлайман, болам.

– Мен кўп пул топаман, бой бўламиз, укамни ҳам олиб келамиз, – деди Диловар негадир ишонч билан.

– Қўй, унақа дема. Қиз бола пул топаман, деб зинҳор мақтанмайди.

Диловар юзини ёстиққа босиб, унсиз йиғлади. Қўлидан нима ҳам келарди? Ишқилиб, дадаси Даврондан қарз олган бўлмасин-да. Агар дўкон олдидаги гапи ҳақиқатга айланса...

"Йўқ, уникага бормайман, – деди Диловар. – Шу ерда, уйимизнинг харобаларида қолишга ойимни кўндираман..."

Кўзи илинди. Даштда юрганмиш. Умрида кўрмаган кенгликлар, уфқда адирлар кўзга ташланмоқда. Қаердандир нотаниш хотин пайдо бўлди. Ким экан деб тикилиб қараса, ўша – бўронли кечадаги халоскори.

"Қўлларингни менга сот, – деди у, – анча вақтдан бери шундай қўлларни ахтараман".

Диловар бўронли кечада бу аёл қўлини қандай силаганини, мақтаганини энди эслади. Қўлларимга бунча қизиқиб қолди-я,

деб ҳайрон бўлганди, гуриллаган овоз келди. Худди ер қаъридан эшитилаётгандек туюлди.

"Ер остида нима бор экан? – ўйлади қиз. – Наҳотки, у ёқларда ҳам одамлар яшаса?!"

Боши оққан томонга кетаверди. Бир кулбага етди. Кира солиб аслида бу кулба эмас, Давроннинг ҳайҳотдек қасри эканини билди. У ҳеч қаёққа қочиб қутулолмасди, катта қулф осилган. "Ойи!" деб йиғлаб юборди. Ногиронлар аравачасида ўтирган ойиси: "Ўзинг айтдинг-ку, бой бўламан, деб! Мана шу уй-жой сеники! Умримнинг охиригача мени боқасан! Сендан бошқа боқадиган кимим бор?" – деди.

Тезроқ кетиш кераклигини айтганди, ойиси кинояомуз жилмайди.

"Унинг хотинисан, қаёққа кетасан, қизим!" – деди.

Эшикдаги қулф таниш, қўлида эса дадасининг ўлимига сабабчи бўлган калит. У қулфни очаман, дея эшикка қараб юрди. Шунчалик ишондики, агар калит тўғри келмаса, тўғнағичи билан очарди. Шунда гуриллаган овоз янада яқиндан эшитилди...

Кўзини очса, нари-бери таъмирланган ўз уйида, ойисининг каравоти ёнида ётибди. Овоз шундоққина девор ортидан эшитилмоқда эди. "Хайрият, тушим экан", – деди. Унча-мунча нарсани ойисига сездиравермас, дардлашмас эди, индамай ўрнидан турди.

– Қизим, машина келди, чиқ, – деди ойиси оғриниб.

Юк машинаси орқаси билан бир оз юриб, тўхтади. Ҳайдовчи ва бир йигит қорайиб қолган деворларга ачиниб қарай бошлади. Диловар уларга салом бериб, шоша-пиша изига қайтди.

– Кетамизми? – сўради у. – Битта хона бўлсаям, бошпанамиз бор-ку!

– Машина юборибдими? Барака топсин...

– Нималар деяпсиз, ойи?

– Бу ерда қандай яшаймиз, ахир?!

– Нега... нега бирдан ўзгариб қолдингиз?

– Кечаси билан ўйладим: Даврон савоб ишни бошлабди. Барака топсин!..

Кўч-кўрон юк машинасининг бир четига ҳам юк бўлмаслигини чамалаган ҳайдовчи ва гумашта тугунчақларни эринибгина ортишди. Дуо қилиш илинжида ўтирган аёлга дейишди:

– Каравотингиз Даврон аканинг ҳовлисига тўғри келмайди, шу ерга ташлаб кетамиз. Суясак, юроласизми ёки кабинага кўтариб чиқарайликми?

– Машинага чиқолмайман. Юролмайман ҳам.

– Тушунарли.

– Биздай кўнгли яримталарга ёрдам берган Давронжонни Тангрим ўз паноҳида асрасин, болачақасининг бахтига доим омон бўлсин, бундан ҳам зиёда қилсин, – узундан-узоқ дуо қилишга тушди ойиси. – Бева-бечораларга

қайишганга Яратганнинг ўзи қайтарсин... Умримнинг охиригача алқайман...

Ҳайдовчи ва гумашта "Тезроқ тугата қолсайди", деб сабрсизлик-ла кутишди, улар падари оқ қилган ногирон аёлнинг дуосига зор эмасдилар чоғи. Сўнг даст кўтариб, кабинага чиқаришди. Диловар баттар қовоқ уйиб олганди. "Агар ойимга тиланчилик қилинг, дейишса, йўл четида ўтириб, садақа ҳам сўрайди", деб ўкинди. Хайрлашишга келган Салтанат хола эса машина изидан маҳзун боқиб қолди. Хийла узоқлашгач, у афсус ила бош чайқагандек кўриниб, Диловар оёққа қалқди. Йўқ, меҳрибон кўшнининг нима демоқчи эканлигини уқиб ололмади, машина муюлишдан чайқалиб бурилгач, гўдаклиги ўтган кўчаю уйлар дарахтлар панасида қолиб кетди.

Қарши-Тошкент йўлидан шарққа уч чақиримча юришди. Мардикор бозоридан ўтишгач, чапга, янги қуриб битказилган, айримлари чала қолган ҳайбатли иморатлар томон бурилишди. Баъзи дарвозалар тагида хорижий русумдаги машиналар турарди. Сувалмаган икки қаватли ғиштли уй орқасида тўхтаганларида, иккита деразада парда кўринди. Демак, ярими битган. Қишни шундай қасрда, ҳаловатда ўтказишар экан-да.

Бир неча кундан сўнг Даврон келиб, қўлларини чўнтақларидан чиқармай, фаввора қурилиши режалаштирилган ҳовуз лабида тўхтади. "Бемалол яшайверинглар,

казноқдаги картошка-пиёз, ёғ, макаронларни рўзғорга ишлатаверинглар", деб меҳрибончилик кўрсатгач, Диловарга дарвозани ичкаридан қулфлаб қўйишни илтимос қилди. Бу – дарвоза ёнига қизни ёлғиз чақирди баҳонаси эди.

– Ҳар кимга ҳам очаверманглар, – деди у. – Мактабингни гаплашиб берман. Нечанчи синфсан?

– Саккизга ўтганман, – қизнинг вужудида қалтироқ уйғонди.

– Ҳм... ўн бешга ҳам кириб қўйибсан. Пулдан қийналиб қолсанглар, қишки дала ҳовлимга олиб бораман. Янганг касалманд, юмушларига қарашсанг, хурсанд бўлади. Лекин бу гапни ҳеч кимга айтма. Берган ёрдамига таъма қилиб, қизини хизматкор қилиб ишлатаяпти, дейишларини истамайман.

Диловар кўрққанидан бош силкиди, миқ этмади, барча фалокатлар энди бошланаётгандек эди. Чўғ устида тургандек ҳар лаҳзани азобли ўтказди, сўнг бу ҳолатга бардоши етмай дарвоза эшигини шоша-пиша тарақлатиб ёпди. Даврон машинаси бурилиб улгурмаган эди, қизгина беодоблик қилмадиммикан, деб лабини тишлаб, дарвозага суюнганча анча вақт жойидан жиллолмади. Машина ванғиллаганча узоқлашди.

– Шу ердამисан? – Ойиси чақирди.

– Бораяпман.

– Нима дейди у? – сўради ойиси яқинда ўрганган пайпоқ тўқишга уннаркан, ишдан кўз узмай.

– Дарвозани бегонага очманглар, деб тайинлади.

– Бошқа ҳеч нарса демадимми?

– Хотинининг касаллигини айтди.

У кишининг юмушларига ёрдам беришим керак экан.

– Уйига борибми? Қачон?

– Ўзи айтаркан. Қишда бўлса керак.

– Дарвозадан ўйланмасин. Керак бўлса, унинг ўзига ҳам очмаймиз.

– Бу ер менга ёқмади, кетишимиз керак, – Диловар ҳовлига чиқди-да, зинага ўтириб олди, ойиси ер остидан ғалати нигоҳ ташлаб қўйди, аммо энди бир сўз демай жон-жаҳди билан тўқиди.

Даврон ҳафта ўртасида яна келди. Кунлар бирдан совиб, печкага ўт ёқиладиган дамлар эди. Газни бемалол ёқиб ўтириш ҳақида оғиз очди. Бироқ гап оҳангидан на уйни иситиш, на хавфсизлик ташвиши сезиларди. Унга қолса, уйдан қўним топганлар совуқда дийдираб ўтиришмайдими, ўз уйлари ёниб кетгани каби портлатиб юборишмайдими, асли мақсад-муддаоси бошқача эди гўё.

– Қизимга иш топиб бермоқчи эмишсиз, – деди Диловарнинг ойиси аравачасини хиёл олдинга ҳайдаб, – лекин тушдан кейин ишласа дегандим. Тушгача мактабда ўқисин. Укангизга айтдингизми?

– Нимани?

– Қизим шу ердаги мактабга боради-да энди. Директорни укам

дегандингиз. Туғишган укангизми ўзи?

– Э, қанақа туғишган?! – жеркиб берди Даврон. Сўнг дарҳол юмшади. – ...Узр, шунақа тутақиб кетадиган одатим бор. Муаммолар кўпайган, тез-тез асабим кўзийди. Мактабга бормоқчи экан, марҳамат, бораверсин, менсиз ҳам қабул қилаверишади, шу ҳам муаммоми?!

– Агар сизга оғирлигимиз тушаётган бўлса...

– Илтимос, унақа гапларни йиғиштиринг. – Даврон изига қайтиб, бир лаҳза тикилиб қолди. – Отингиз Марғуба-я? Эшитинг, Марғуба! Бу қанчалик оғир бўлмасин, очиқ айтишга мажбурман. Раҳматли Мамарасул қўл остимда ишлади, уйимда ҳам кўп меҳнат қилди. Бир ишласа, ундан яхши одам йўқ эди. Хуллас, мендан қарз олган. Ундан кечиб кетолмайман. Тўғри тушунинг.

– Бу... бу нима деганингиз?

– Тўлаш керак, тамом-вассалом.

– Ким тў... тўлаши керак?

– Билмадим, билмадим. Муҳими, менинг пулларим жойига қайтарилса, бас. Кўраяпсиз, ташвишим бошимдан ошиб ётибди. Бир ёқда шу ҳовли, ярими битмай тўхтаб қолди. Душманларим устимдан кулишаяпти.

– Бизда пул йўқ.

– Мен ҳам ҳозир беринг демаяпман.

Диловарнинг томоғига аччиқ нарса тиқилди. Қаерга қочади? Ойисидан узоқлашишга ботинолмай очиқ эшик ортида, устунга суяниб, беихтиёр ичкаридаги гап-сўзларга

қулоқ осди. Дўкон олдидаги кимсанинг гапи ёлғонга айланишини кечаю кундуз тиларди.

– Майлими эшикни ёпсам? – сўради Даврон.

Эшик тутқичига қўл узатаётиб, айвонда турган Диловарга кўзи тушди.

Эшик ёпилди.

"Йўқ, – деди Диловар юзини тўсганча ташқи зинадан чопқиллаб, иккинчи қаватга кўтариларкан, – қарзларини қандай тўлаймиз? Дадамга кўшилиб ёниб, кул бўлганимиз яхшимасмиди?.."

Кўп ўтмай тарақлаб очилган эшикда Давроннинг қон қочган безовта турқи кўринди.

– Диловар! – чақирди у. – Бу ёққа кел! Қаердасан-а? Ҳой, онанга қарамайсанми?

Қиз зинадан тушаётганда, Даврон ҳовли ўртасида туриб, депсинди, "Яхшилик қилиб, ёмонлик топаяпман" мазмунида нимадир деб яниб қўйди. Битмаган уй тоmidан бир гала каптар соҳибнинг ғазабидан қочиб ҳавони ихтиёр этганида, одам шаклидаги икки қушнинг ҳайҳотдек қафасдан қўним топгани ғалати эди.

Аравача филдирагини чангаллаган қўйи мурдадек оқариб ўтирган аёл кўзини зўрға очиб, деди:

– Кетаверсин... дарвозани ёп... Унга ҳеч нима дема... – Кейин елкалари силкиниб, йиғлаб юборди.

Диловар остона ҳатлаб, ғазабдан ҳансираб:

– Амаки! – деб хитоб қилди. – Ойим сизга нима ёмонлик қилди? Агар бизни ҳеч кими йўқ, деб

ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз! Дадам сиздан қарздорлигини аввалдан биламан! Лекин ойимга қаранг, менга қаранг! Ҳозир қандай тўлаймиз? Қочиб кетмасин деб бошпана берган бўлсангиз, унутманг, берамиз ўша қарзларни! Фақат ҳозирмас! Агар бизга ёмонлик қилсангиз, қаерга мурожаат қилишни яхши биламан!

Даврон ўпкаси чиқиб бўғилди. Қўл силтаб чиқиб кетган одам кечқурун ош дамлатиб, бир аёл билан кириб келди. Аёлнинг тилла узукларига етти хонадон аҳлининг топган-тутгани етмасди. Қош-киприкларидан сириб олинган бўёқнинг ўзи бир банка сувни иёҳга айлантироларди.

– Айланайлар, мен Давроннинг опасиман, – деди пасон хоним. – Боя укам билан хафалашибсизлар. Ҳаммаси нотўғри тушунишдан. Агар бир ғаразгўйлиги бўлганмда, "Қарзимни ундириб беринглар", дерди-да, органма-орган юриб. Озмунча пул олганми раҳматли эрингиз. Сизни даволатаман деган, кейин... ўзингиздан қолар гап йўқ, "дори"си ўлгур зорманда роса қиммат, туппа-тузук одамниям хонавайрон қилади.

Бир оз насиҳат қилиб, арз-додини айтгач, ўрнидан турди.

– Биз ҳалол одамлармиз, – деди қўлини кўксига қўйиб. – Бировнинг ҳаққини еганларга ўхшаймизми? Ё укам кимгадир зўравонлик қилганини эшитганмисизлар? Қизим, – у Диловарга илжайиб боқди. – Сендан хафаман. Ҳар хил гапни гап

деб гапираверма, хўпми? Қўни-қўшни эшитганда нима бўларди? Отангдан катта инсонга ўйлаб гапиргин. Эшитган одам Даврон сизларга бирор ёмонлик қилиш учун ўйига олиб келибди, демайдими? Бўхтонлардан асрасин!

– Опа, кетдик, – эшиқдан бош суқди Даврон.

Диловар бир оғиз гапирмади, ойиси ҳам жим эди. Она-бола ёлғиз қолишганда ҳам кўнгилсизлик хусусида гаплашмадилар. Онаизор қандайдир камгап, ўйчан бўлиб қолган, қиз ҳам ойиси билан суҳбатлашишни истамасди.

Кечаси қор ёғиб чиқди. Диловар мактабга қатнай бошлади, аммо ўқишдан кўнгли қолган, бундай тарзда ўқиёлмас эди. Ақалли биттагина дугонаси бўлганида, балки ҳиссиз ва совуқ мактаб бағрида шоду хуррам юрар, унга талпинар, овунар, ғам-ташвишларини унутармиди.

– Ойи, мажбуран ўқиганимдан кўра, бормай қўя қолай, – зорланди бир куни.

– Иш топдингми?

– Қанақа иш? – Диловарнинг тилида шу савол янграгани билан хаёлидан "Наҳотки, мактабда ўқимаслигим ойим учун фожиа бўлмаса?!" деган ўй лип этиб ўтди.

– Бўлмаса, нега бормайсан? – сўради ойиси тўқишдан бош кўтармай.

– Ишлайман.

– Шунинг учун иш топдингми, деб сўраяпман-да.

Шу пайт дарвоза тақиллаб, Давроннинг опаси кириб келди.

– Қизингизни сўраб келгандим, мактабдан бўш вақтларида жўнатасизми? – деди у Диловарнинг ойисига. – Кеч қолса, укамнинг ҳайдовчиси эшик тагига ташлаб кетади. Жуда осон иш, ҳеч ҳам қийинмас.

Ойиси Диловарга саволомуз боқди, бундай нигоҳга қиз ўлса ҳам ҳозиржавоблик қилмасди. Она-бола бир-бирига хўмрайишди, бой хотиннинг бир қоши чимирилди.

– Бу аёл сенга айтганмиди? – сўради ойиси аравача ғилдирагини чангаллаб. – Шунинг учун мактабда ўқимайман деяётган экансан-да?

– Менга ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ, – Диловар ичкари хонага кириб, каравотга зарда билан ўтирди.

– Жанжалнинг устидан чиқдим шекилли? – Бой хотин Диловарнинг ойисига яқин борди. – Нима гап ўзи? Мабодо ниманидир мендан кўраётган бўлсангиз...

– Қизимни нимага олиб кетмоқчисиз? – шартта гапни кесди ойиси.

– Вой, кўринишим аждарҳони эслатмаяптими мабодо? Нима қиламан қизингизни? Еб қўяманми? Менга бир дастёр керак, холос. Елиб-югурадиган, қўл-оёғи чаққон, ойлигини зўр қилиб бераман.

– Нима иш деб сўраяпман?

– Дастёрлик деяпман-ку! Уй юмушлари: супур-сидир, коса-товоқ ювиш, меҳмонларнинг болаларига қараб туриш. Даврон билан келган куним аҳволларингизни кўриб, ёрдам берсам деб юргандим, дала

ҳовлига қиз керак бўлганданоқ оёғим олти-қўлим етти бўлиб чопдим.

– Давроннинг дала ҳовлисидами?

– Бунча сўраб қолдингиз? Э-э... – хотин чапак чалиб юборди. – Гап бу ёқда денг! Нима, маст-аласт қаланғи-қасанғиларни меҳмонга чақиради, деб ўйлаясизми? Киноларни кўп кўриб, ҳар хил бўлмағур китоблардан бош кўтармаганмисиз, дейман? Биз ўзига тўғри одамлармиз. Мен ё Даврон номаъқул ишларни қиладиларганга ўхшаймизми?

– Йўқ.

– Шу-да. Одамни бекорга хафа қиласиз. Бизда оила катта, бутун бир жамоа. Куёвлар, сингиллар, холалар, уларнинг болалари, бунинг устига хўжайинимнинг ўртоқлари ҳам келишади. Ҳаммаси казо-казо, мансабдор шахслар. Орасида милиция бошлиқлари ҳам бор. Қани, айтинг-чи, қайси бири ёмон хотинларни шунақа давраларга эргаштириб юради? Мана, дорингизга пул, яъни аванс. Қизингизни эртадан бошлаб жўнатоласизми? Ҳар йили декабрда гап-гаштак бошланади, қиш бўйи одам узилмайди, фақат кабобларнинг ўзига бир машина кўмир ёқиб юборамиз-ов.

Ойиси пулни кўрибми, кабоб ҳақида эшитибми, тамшаниб қўйди. Ҳақиқатан, шу ҳафта анча-мунча дори харид қилмоқчи, Сарваржонга қишлик кийим жўнатмоқчи, кўпроқ пул топилса, такси чақириб, соғинган жигарбандини кўриб келмоқчи эди.

– Қизимдан сўранг, тушдан кейин бўлса, майли, – деди ойиси ва пулни қуруқшаб қолган, рангпар қўллари-ла авайлаб ушлади, кафтлари орасига олди, силади.

Шанба куни Диловарни олиб кетгани машина келди. Дарё бўйида бир қатор жойлашган ажиб-ажиб иморатлар шаҳарга яқин эди, аммо Бойхонага бутунлай чап экан. Ҳайдовчи – эллик ёшлардаги вазмин киши – аллақайси светофорда тўхтаганда, гап қотди:

– Қизим, кўрдингми, анави машина қизилга қарамай ўтиб кетди. Бундайлар қизил ёнганини кўради, юриш тақиқланганини билади, лекин қоидаларни менсишмайди. Чунки улар ўз қоидалари билан яшашади. "Бошқалар билан иш тутма, ўзингдан қолма, шошил ва ушлаган жойингни уз, бўлмаса мирқуруқлигингча ўлиб кетасан!" дейишади. Ёмон-а?

– Ёмон, – деди Диловар.

– Ашурали Холиқовичнинг қариндошимисизлар?

– У кишини танимайман.

– Ҳа, бегонамиз, де. Раҳматли яхши одам эди, булар эса... – Ҳайдовчи машинани юргизиб, дала ҳовлига бурди. – Шу атрофда коса-товоқ ювувчи йўқмикан, нега сени чақиришди? Меҳнаткаш, зуваласи пишиққа ўхшайсан, аммо бунақа ишларга ёшлиқ қиласан. Бор гапни айтаяпман, мендан хафа бўлма.

– Билмадим, ойим билан гаплашгандилар.

– Ётиб ишламоқчимисан? – Ҳайдовчининг қовоғи солинди.

– Йўқ, тушгача мактабга боришим керак.

– Қанақасига? Ахир, зиёфатлар ярим тунгача давом этади-ку. Агар фақат эркаклар келса, қарта ёки нарда ўйнаб, тонггача ўтиришади. Коса-товоқларни ювиб, жавонга тахлагунингча тонг ҳам отади. Кейин нима қиласан? Уйқусираб борасанми ўқишингга?

– Ойимга пул керак эди, укамга ҳам.

– Унда майли, – деб ух тортди Ҳайдовчи. – "Пул ўлсин-о, пул ўлсин" дейишади, эшитганмисан? Пул – ҳаёт машинасининг ёқилғиси. Билиб қўй, темир машина ёнилғиси бакда, ҳаёт машинасиники банкда сақланади. Ҳеч қачон ёдингдан чиқарма, Ҳайдовчининг эси-дарди доим ёнилғида бўлмайди, у светофорни ҳам эсдан чиқармаслиги керак. Мумкин эмасми, тамом, мумкин эмас. Темир-бетон!

Диловар дастлабки икки кеча уйқудан қийналди. Иссиқ тўшақда мизғиб олиш учун жонини беришга-да тайёр эди. Ниҳоят, учинчи куни кундуз тўйиб ухлади, боз устига ўша кеча меҳмонлар ҳам узоқ ўтирмай уйларига тарқалиб кетишди. Кимдир йиртиб ташлаган пулларни териб олган Диловар (бу ишни мўйнали хонимлардан бири амр этганди), минғиллаб хиргойи қилганча тахлаётган тунги дам эди.

– Уч кун меҳмоннавозлик йўқ, бунча нарса ачиб қолмасмикан? – деди бой хотин оёғини чалиштириб, сигарета тутатаркан.

– Ачиса ачийди-да, – тўнғиллади Даврон. – Гап бир ҳовуч сарқитда эмас-ку. Омбордаги моллар соғ бўлсин, опа... Э, бўйни узундан қуйсангиз-чи, эрталабдан ишга бориладиган қора кунларим ўтиб кетган, тушгача эшакдек думалаб дам оламан.

Рюмкага қуйилаётган ароқ қултиллаётганда хонага Диловар бўш патнис кўтариб кирди.

– Йиғиштир, нега бунча имиллайсан-а? – койиди бой хотин. Кейин ястланиб ўтириб, шифтга тутун пуфлади, меҳрибончилик кўрсатди: – Ҳайдовчи келса, уйингга олиб бориб ташлайди, Диловар. Бананларни, арчилган меваларни, ликобдаги гўшларни сумкангга сол. Нонлардан биронта ҳам қолдирма. Пишган гўшт, кабоб, очилган шарбат – ҳаммасини йиғиштир. Иккита сумка бўлса, иккита, етмаса учта. Еб ётасанлар.

Даврон қизнинг хатти-ҳаракатларини индамай кузатиб турди.

– Булар мени қўшмачи деб ўйлашган, – деди мийиғида кулиб.

– Мени ҳам, – бой хотин ичимлик хўплади.

– Ўтир, – Диловарга имо қилди Даврон, – сендан гап сўрамоқчиман. Шу кунлар ичида менинг кимлигимни кўрдингми? Ёмон одамманмикан?

– Йўқ, – бош эгди қиз.

– Ёмон бўлсам, Яратган эгам аллақачон жазойимни берарди. Мен эса, кўриб турибсан, яхши яшаяпман. Еганим олдимда, емаганим кетимда. Бунча нарса қаердан келади? Интилувчанлигимдан, тап

тортмаслигимдан, таваккалчилигимдан. Мен ўғирламайман, йўлини қиламан. Йўлини қилиш мумкинми, демак, айб менда эмас. Балки сенга улў одам, олдига яқинлашиб бўлмайдиган бой бўлиб кўринарман? Мен ва бу холанг... ҳалигилар олдида паст табақамиз. Паст! Улар буйруқ чиқара оладилар, шунча мол шунча жойга тарқатилсин, фалон иш қилинсин, бунга манавинча маҳсулот олиб келинсин ва ҳоказо. Биз эса улар салобат билан имзо чеккан ишларни энг қуйида ижро этаётган аллақандай кимсалармиз. Гапларимни тушунаётгандирсан-а?

– Унга бунақа гапларни гапирма, Даврон, – деди аёл. – Нима, кайфинг ошиб қолдимми? Қани, Диловар, тур, ишингни қил.

Қиз ўрнидан туриб, беихтиёр бурнини тортган эди, Даврон столни муштлади.

– Ўтир! – Сўнг ёқа тугмаларини бўшатиб, яна бир қадахни симириб, деди: – Онангнинг ўша кунги гапи ҳалигача юрагимни пармалаб ётибди. Мен сизлар ўйлаган пасткашлардан эмасман. Даданг олган қарз учун онанг иккингни хизматкор қилганим йўқ. Сизларга яхшилик қилиш учун жой бердим, иш бердим. Ё сенга бирор марта ёмон кўз билан қарадимми?

– Бунақа гапларингдан кейин у дала ҳовлингга қайтиб оёқ босмайди, – деди бой хотин. – Бойхонадаги уйингдан чиқиб кетишади. Шу керакми сенга?

– Боришсин! Қайтанга пулимни ундириб олиш учун уларни ўзим судга бераман! Дадаси авраб пул олишга уста эди. Жами қанча олганини биласизми?

– Минг марта айтгансан.

– У уй-жойимни ўртага қўяман, деган. Бу ҳақда хотинига, Диловарнинг ногирон онасига айтганимда, ҳушидан кетиб қолди.

– Бас! Диловар бола, ниманиям тушунарди?! Бир гиёҳванд киши оиласини гаровга қўйиб пул оладими, ўз жониними, пул берувчи ютқазади. Хоҳлаган ишингни қил, деган қонун йўқ. Буларга бирор ёмонлик қилсанг, умринг қамоқда чирийди. Отаси учун фарзанди жавоб бермайди, унутма!

– Беради! Бунинг отаси гиёҳванд эди, кичик укаси ақли заиф бўлиб туғилди. Хўш, боланинг нима айби бор эди? Ота-она учун зурриётнинг ўз умри билан тўлов тўлаши ҳақидаги қонун табиатда бор, нега жамиятда бўлмас экан? Агар пулимни бир йил ичида топиб бермаса, қизи ҳам, онаси ҳам калласи билан жавоб беради.

Диловар ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошлади. Бой хотин қовоғини тошдай уюб, бир нуқтадан кўз узмай ўтирарди. Даврон босиб сигарет чекди.

– Столни йиғиштир, коса-товоқларни эртан келиб ювиб кетасан, боягиларни сол сумканга, – деди бой хотин Диловарга. – Уйингга ўзим элтиб қўяман. Қани, марш! Йиғлашни бас қил!

Йўлда тушунтирди:

– Қарз ёмон нарса, айниқса, катта пул. Болалик қилиб, ҳалиги гап-сўзларни бировга айтиб юрма, ўзларингга жабр бўлади, холос. Бизнинг хизматимизни қилиб кам бўлдингми? Қорнинг тўқ, устинг бут, ойлигингни олдиндан олаяпсан. Ҳали кўп пул ишлаб, қарзни ҳам узасан. Жа етмаса, мен бериб тураман.

Диловар уйга кириб, оғир сумкаларни тап этиб ташлади ва деворга суянди. Қанча вақт турганини билмайди, бир пайт димоғига ғалати ҳид урилди, жуда-жуда таниш ҳид. Чироқ тугмасини босдию, кўз олдида жонланган манзарадан тошдек қотди. Ойиси аравачада бир томонга оғиб, карахт ётар, кулдондаги сигаретадан сезилар-сезилмас тутун кўтарилар эди. Диловар ҳавони қайта ҳидлади, кўзларига ишонмай бир аҳволда кулдонга яқин борди. Сигарета ярими чекилган ҳолда тутаб ётарди.

– Ойи, – деди Диловар сигаретани авайлаб қўлига оларкан, – Бу... бу нима? Чекаясизми? Сиз ҳам дадамга ўхшаб... Наҳотки...

Ойиси бир сесканди-ю, аммо кўзини очмади. Диловарнинг кўзлари фавқулодда тезлик билан қизарди, пешанасида тер ялтиради. Сигаретани эзғилаб, ортига бурилди. Афтидан уйдан бадар кетмоқчи, то ажали етиб, бирор ўнгурдан ёки машина тагида ажал етгунча тўхтамоқчи эмас эди. Айвонга чиқиб, оёқлари майишиб йиқилди. Ёввойи мушуклар пайдо бўлиб, бир-бири билан биғиллашиб талашаётганда, кўзини очди. Ойиси ётган уйга

қайтиб кира олармикан? Йўқ, у сигарета ҳидидан ҳам, чекувчи сархушлигидан ҳам аллақачон тўйган, бундай ҳолни кўргандан ўлиб қўя қолгани аъло эди. Ён томондаги хона эшигини очди. Мунгли йиғи бу хонадан анча вақт эшитилиб турди, кейин эса бир маромдаги гурс-гурс деган товуш кела бошлади.

– Қизим, – деб хириллоқ овозда чақирди сархуш она.

Чироқ ёниқ, эшик олдида сумкалар ётибди. Ойиси бир амаллаб бўсағага етди, аравагани ҳайдашга ортиқ мадори қолмади. Нариги хонадан эса ҳамон гурсиллаган овоз эшитиларди.

– Қизим... Диловар... – аянчли овозда ёлворди ойиси. – Нима қилаяпсан?

Она-бола бир-бирини кўрмади. Қиз бошини деворга уришни тўхтатиб, кўзларини юмди, узала тушиб ётди. Марҳум отанинг қарзини тўлаш мумкин эди, лекин бой берилаётган умрни кейинчалик сотиб олиб бўладими?

Дарвоқе, Диловар умр деганда бахтни тушунарди. Эсини танигандан бери умр кутиб яшарди, катта умр.

V

Нега чекишга қарор қилганини Диловар ойисидан бир оғиз сўрамади. Қовоғи кечагидан зиёд уюлганини айтмаса, ўша-ўша эди. Биргаликда нонушта қилишди.

– Сомсани боплаб пиширибди, – деди ойиси. – Сарваржон бўлганда маза қиларди.

Диловар ер остидан қараб қўйди. Ойиси ақлдан оза бошлаганини энди сезди. "Эри ёниб кетди, гўдаги ўлди, кенжа ўғилчаси ақли заифлар даволанадиган жойда, уйдан фақат чолдевор қолди, қариндошлари эса юз ўгиришган, отасининг жанозасида опаси калтаклаган..." – Диловар дала ҳовлидагилар ўзаро гаплашганда қулоғига чалинган гапларни эслади.

– Сигаретга наша кўшилганмиди? – сўради Диловар ойисининг юзига қарамай.

– Қанақа нашар ҳақида гапираяпсан? – тумшайди ойиси.

– Ёш бола эмасман.

– Бўлди, бас қил. Битта сенинг тергашинг етмай турувди.

– Нашани ким берди? Уларми?

– Улар деганинг ким? – Ойиси хавотирланиб боқди.

– Дала ҳовлидагилар.

– Тушунмадим, хизматини сен қилаяпсан-ку, мен кўрмасам уларни? Нима, наша чекишадими?

– Йўқ, – деди Диловар, – бировларга ўргатадиганга ўхшайди. Даврон ака бериб кетдимми? Ундан бошқа ким келган бўлиши мумкин уйга?

– Сен уни айблама, қизим. Ўша куни "оилангни адои тамом қилган мана шу" деб устимга отиб юборганди. Ётиб-ётиб, нимаси дадангни тамом қилган экан, дедим... Ўлдирса, мени ҳам ўлдирсин...

– Навбат меники.

– Ниманинг навбати? –
Ойисининг кўз қорачиқлари
кенгайди.

– Ўлиш навбати.

– Нималар деяпсан, Диловар?

– Агар яна чексангиз ўзимни
ўлдираман!

Шундан сўнг ойиси қизининг
пешанасидаги моматалоқ бўлган
жароҳатга қараб, кўрқди. Уч кун
ўтиб, Диловарни дала ҳовлига олиб
кетишгач, у ердагилар ҳам
пешанасидаги жароҳатга қизиқишди.

– Йиқилдим, – деб жавоб берди
Диловар.

– Қоқ пешана билан-а? – кулди
ошпаз. – Бўлиши мумкинмас. Одам
пешана билан йиқилиши учун қўл-
оёқсиз бўлиши керак, ёки маст, ёки
ўйинқароқ ўғил бола. Сен эса
мушуксан. Қандай ҳолда ташлаб
юборишмасин, барибир оёғинг билан
тушасан. Кўзларингдан билинапти.

Ичкаридан шовқин-сурон
эшитилди.

– Ҳой, бу ёққа кел! – деди шу он
отилиб чиққан бой хотин. – Патнисни
ҳам олиб кел! Тоза сочиқдан оливол!

Диловар хонага кирганида,
меҳмонлардан бири уст-бошига
ичимлик сачраган, беҳол ўтирар,
бошқаси – сочи орқага таралган киши
– сигарета тутатишга уринар, негадир
ёндиргич ёнай демасди. Гиламга
сочилган салат ва овқат қолдиқларини
йиғиштираётган Диловарни кўриб,
сигарета ёқишдан тўхтаб, деди:

– Нима қилаяпти бу қизча?

– Гилам тозалаяпти, – деди
Даврон гезариб.

– Кўраяпман, – бир қадам олға
ташлади киши, – ахир, у ёш бола-ку,
нега алламаҳалда бу ерда чўрилик
қияпти? Мактабда ўқийдимми?

– Аҳмад ака, бу қиз менинг
дастёрим, – деб бой хотин энди важ-
корсон кўрсатмоқчи эди, нотаниш
меҳмон баттар жиғибийрон бўлди:

– У ҳали она сути оғзидан
кетмаган қизча-ку! Мен ўтирган шу
столни ҳам у артгандир? Қошиқларни,
ликобчаларни, коса-товоқларни ҳам у
ювадимми? Бирорта аёл топилмадимми?
Ё топиб бераймми?! Ё маош тўлашга
қийналиб қолдиларингми? Нима
ҳақларинг бор норасидани ярим
кечагача ишлатиб?

– У салкам ўн олтига кирди, –
деди Даврон. – Кейин бу ишни
қилиш-қилмаслик шахсий иши. Биз
бировнинг шахсий ҳаётига
аралашолмаймиз. Ёлғиз онаси билан
яшайди, уй-жойи йўқ, бунинг устига
онаси шўрлик ногирон. Нима, бу
қизни оталиққа олмоқчимисиз?

Аҳмад ака Давронга ғазаб билан
кўз ташлади.

– Шунақа дегин. – Сигаретасини
худди Диловар каби эзғилаб
ташлади. – Мен ҳам кўп ёмон ишлар
қилганман, лекин бу даражага
бормаганман. Яхши қолинглар!

– Ҳой, тўхтанг, – ўрнидан эриниб
турди Даврон. – Мени нотўғри
тушундингиз. Уларнинг оиласи
мендан анча-мунча қарз...

Охири кейинги қисмда.

**Кейинги қисмни ўқиш учун
телеграмдаги +99897 7138577
рақамига мурожаат қилинг!**